

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Меҳнат бўлимларида

ТАЯНЧ ВА МАДАД БЎЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ БАРЧА ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ. БУГУНГИ КҮНИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАН ҲИСОБЛАГАН МАЗКУР ФАОЛИЯТДА ТЎҒРИ ЕЧИМ ТОПИШ, ҲАМКОРЛАР, ИМКОНИАТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ЁНДОШУВ ХУСУСИДА ЧИЛОНЗОР ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ БҮРХОН ХОЛМУРОДОВ БИЗГА КҮЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

—Туманимизда ҳозирда 49 та маҳалла мавжуд бўлиб, жамоамиз аҳли бевоесита маҳалла оқсоқоллари, фаоллари кўмагига таянади. Хусусан, туманимизда фаолият юритаётган катта корхона, ташкилот муассасалар раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Мақсадимиз, кенг камровли фаолият доирасида аҳолига таянч бўлиш, яъни банд бўлмаган фуқароларни рўйхатга олиш, мутахассисликларига кўра ҳоҳлаган ишларига жойлаштириш, уларга малакали маслаҳат бериш, тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари билан аҳоли қорига ярашдир.

Эътиборли томони, кейинги йилларда

давлатимиз томонидан барча соҳаларда ишловлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш асосида эса халқимиз фаровонлигининг таъминланиши сир эмас. Иқтисодиётни ривожлантириш борасида қарор ҳамда фармонлар, айниқса, Президентимизнинг 2006 йил январь ойидаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони доирасида меҳнат бўлими анчагина амалий ишларни бажаришга эришди.

Масалан, тахлил натижаларга мувожаат қилинган бўлса, ўтган 2006 йилда режадаги 1440 нафар ўрнига —1452 нафар фуқароларни меҳнат бўлими орқали ишга жойлаштирдик. Йил бошидан мурожаат қилганлар сони 1893 нафар фуқароларни ташкил этди.

Касаначилик бўйича ўтган йили жами 369 та иш ўринлари яратилиб, фуқаролар иш билан таъминланди. Булар—Тошкент-Лада» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси (34 та); «Совпластитал» қўшма корхонаси (130 та); «Зангори экран» масъулияти чекланган жамияти (51 та); «Реле-автоматика заводи» ҳамда «Хоразм-шакар» очик акциядорлик жамиятлари (20 та) каби корхоналардир.

Жумладан, туманимизда йил давомида 5118 та бўш иш ўринлари яратилган бўлса, янги ташкил топган корхоналар ҳисобига яна 630 та иш жойлари мавжуд бўлди. Шунингдек, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 313 та кичик корхона ҳамда микрофирмалар томонидан 8040 та, хусусий бизнес (ўйда ишлаш) вакиллари томонидан 494 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, жамоамизнинг сайёҳаракатлари туфайли ўтган йили 3 марта маҳалла гузарларида, 4 марта туманимиздаги «Вактинчалик бир маротаба ишга жойлаштириш маркази»да «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Уларда 51 та катта корхоналар 1028 та бўш иш ўринлари билан қатнашди, бўлими хизматлари 93 нафар фуқароларга ишга йўлланма берди, шулардан 85 нафари ишга жойлаштирилди. 29 нафар фуқаролар эса бош бошқарма қўшидаги Ишсизларни қасбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига йўлланмалар билан юборилди.

Йил давомида жамоамиз аниқ режа асосида маҳаллаларда ўқув-семинарлари, тур-

ли тадбирлар, учрашувлар ўтказди. Туманимиздаги «Чилонзор», «Кичик Думбиро-бод», «Гулистон» маҳаллалари фаоллари, айниқса, биз билан ҳамкор, ҳамжиҳатликда иш олиб борганларини алоҳида таъкидламоқчиман. Шунингдек, битирувчилар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар билан ҳам алоҳида ишлашни йўлга қўйганмиз.

Туманимиз аҳолиси орасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга, моддий ёрдамга муҳтожлар—кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, ногирон фарзандни боқайётган фуқаролар оилалари меҳнат бўлими хизматлари билан ҳамкорликда меҳнат бозоридида эркин рақобатга кириша олмайдиган фуқаролар учун туманимизда фаолият юритаётган корхоналарда махсус квотали иш жойлари яратилди.

Шунингдек, 2006 йил давомида 521 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди ҳамда уларга 1227018750 сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тўланди. Маҳаллаларимиздаги 1632 та оилаларга моддий ёрдам пули, 2 ёшгача фарзандлари бор оилалардан 724 тасига ҳамда 2059 та 18 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга белгиланган тартибда нафақа пули тўланди...

Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам меҳнат бўлими иш самарадорлигини ошириш мақсадида аниқ мақсадларни кўзлаб катъий режа асосида иш юритмоқда. Ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун маҳаллаларда 10 марта меҳнат ярмаркаларини уюшқоқлик билан ўтказишни режалашганмиз. Бу борада жамоамизнинг ғайрат-шижоатли ходимларидан шўбча мудири Дилобар Нурмухамедова, маҳалла нозирлари—Маъжуда Ибодуллоева, Нилуфар Султонова, Ҳаётхон Турдалиева, Гулбаҳор Бобонозаларнинг сайёҳаракатлари ўз самарасини беради, деган фикрдамиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ МАЪДАНЛИ СУВЛАР

«ИСТИҚЛОЛ-ФАЙЗ» КОРХОНАСИНИНГ ИШ БОШЛАГАНГА ҲАЛИ КЎП ВАҚТ БЎЛМАСДА, БУ ЕРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ҚИЛНАЁТГАН САЎЙ-ҲАРАКАТ БОИС ЦЕХЛАРДА ТАЙЁРЛАЁТГАН «ЧИНОБОД» МАЪДАНЛИ СУВИ ХАРИДОРЛАРИНИ ТОПМОҚДА.

Шунингдек, корхонада маъданли сувдан ташқари 10 хилдаги салқин ичимликлар ҳам ишлаб чиқарилиб, шиша идишларга қадоқланмоқда.

— Олий ўқув юрти, лицей, коллеж ва мактаблар асосий буюртмачиларимиз сирасига киради, — дейди корхона раҳбари Ҳусниддин Файзиев. —Шу боис ҳам Россиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган цехимизда ўзимизнинг ҳамда хориждан келтирилган хом ашё ҳисобига маъданли сув ҳамда бошқа турдаги салқин ичимликларнинг сифатли тайёрланиши ва қадоқланишига эътибор қаратамиз. Германиянинг «Дохлер» фирмаси концентратларидан унумли фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлаймиз. Ичимликларимизнинг рақобатбардорлигини таъминлаш бўйича изланишларни давом эттираямиз.

Корхонада ҳозирда цехларни автоматлаштирилган янги дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга эътибор қаратилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган салқин ичимликлар турларини кўпайтириш ҳамда уларни пластмасса идишларда қадоқлаш йўлга қўйилмоқда. Бу эса буюртмаларни кўпайтиришда ва ёзнинг иссиқ кунларида ишлаб чиқариш қуввати ошишида муҳим аҳамият касб этади.

БИРИ-БИРИДАН КЎРКАМ

ЭСДАЛИК БУЮМЛАРИ, ТҮРЛИ КЎРИНИШДАГИ РЎЗҒОР АШЁЛАРИ ҚАНЧАЛИК ЧИРОЙЛИ ВА КЎРКАМ БЎЛСА, ҲАР ҚАНДАЙ ХАРИДОР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТА ОЛАДИ.

Бозор иқтисодиётининг асосий талаби эса маҳсулот сифати ва рақобатбардорлиги. Ана шунга эътибор қаратиш учун харидор дидини чуқур ўрганган ишлаб чиқарувчи ҳам ўз муваффақиятини таъминлайди, ҳам бозорда ўрнига эга бўлади.

Шундай корхоналардан саналган «Шер-Аз-техно» масъулияти чекланган жамиятида чинни ва сопол хом ашёсидан тайёрланаётган бири-биридан чиройли буюмлар турлари ортиб бормоқдаки, бу албатта харидорларга манзур бўлмоқда. Бу борада корхона дизайнер-рассомларининг ҳиссаси катта. Улар ҳар бир маҳсулотга безак беришда маҳоратларини ишга солишади. Айниқса, ўтган йилда тайёрланган ошхона буюмларию турли кўриниш ва ҳажмдаги гултувак ҳамда гулдонлар нафақат ишлатилишда қулайлиги, балки хонадонларга фойз бағишлаши билан ҳам ажралиб туради.

— Маҳсулот турларини ой сайин янгилашга ҳаракат қиламиз, — дейди корхона раҳбари Шерзод Абдуллоев. — Уларнинг ўтган йилда 30 дан зиёд турларини яратдик ва маҳсулотларимиз 200 хилдан ортиб кетди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонада тайёрланаётган сопол ва чинни буюмларга Қирғизистон ва Қозғоғистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Тадбирлар

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ—ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

МАЪЛУМКИ, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ ИШ ЖАРАЁНИГА НОҚОНУНИЙ АРАЛАШУВ ҲОЛАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИЛАЁТГАН ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Шу маънода Юнусобод туман ҳокимлигида туман ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларга ва янги ташкил этилаётган субъектларга ҳуқуқий тушунчалар беришга бағишланган семинар- йиғилишда мутасадди ташкилот вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Унда сўзга чиққан Юнусобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Баҳодир Мусоев, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Илбос Ҳайдаров, бош мутахассиси Одил Аллаев, катта маслаҳатчи Султон Ўринбоев, Юнусобод туман солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мансур Нигматовлар тадбиркорлар фаолиятига ноконуний аралашувнинг оқибатлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»-ги Қарори бу борадаги ишларга ўзига хос тарзда қонуний базани яратиб берди. Шу маънода Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ушбу меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда бир қатор ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди. Жумладан, ўтган йил давомида бўлимга тадбиркорлик субъектлари томонидан 267 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, унинг 224 таси тўла қаноатлантирилди. Бундан ташқари «Ишонч» телефонлари-га 68 марта мурожаат этилган. Тегишли ва ўрганишлар натижасида ушбу ҳолатлар юзасидан 42 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи тикланди. Шу билан бир қаторда тадбиркорлик билан боғлиқ назорат органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида қонун бўзилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ушбу ташкилотларга тақдирнома-лар кiritилган.

Семинар-йиғилиш якунида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш, фаолият қўламини кенгайтириш юзасидан ўринли тақлифлар билдирилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Ўқув марказларида

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ТИШ ТЕХНИКАЛАРИ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ 2004 ЙИЛДА БОШЛАГАНГА ҚАРАМАЙЭ ШУ ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА МАЗКУР ТАШКИЛОТ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҲАМДА МУВОФИҚЛАШТИРИБ БОРУВЧИ ЖАМОАТ ТУЗИЛМАСИ БЎЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ЁШЛАР—ЯНГИЛИККА ЎЧ, ИЖДОҚОР, ТАШАББУСКОР ТИШ ТЕХНИКАЛАРИГА КАСБЛАРИНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МУКАММАЛ, ПУХТА ЎРГАНИШЛАРИДА ҲАМ АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАНЛИГИ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ.

Ушбу уюшма негизда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича доимий ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, машғулот ҳамда амалиёт курсларини Россия Федерациясининг Москва ҳамда Санкт-Петербург шаҳарларида таълим олган етакчи мутахассислар олиб боришади. Марказда малака ошириш ва ўқув курсларининг қуйидаги йўналишлари бўйича: тиш шаклини (Энрико Штеггер, Макото Ямамото ҳамда Геральд Уюссиларнинг йўналишлари бўйича) ишлаш ва шакл бериш (моделировка); металл керамика; металл-акрил; прессланган керамика (масса қоплаш йўли билан ва бўёқлаш орқали); бюгел бўйича (кламер, аттачменли ҳамда теле-скопик коронкалар ёрдамида) ўқитилади.

Марказдаги ўқув курслари лабораториялари жаҳонга машхур

Германия, АҚШ ҳамда Россия давлатларининг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий, юксак унумли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Қувонарлиси, стоматология соҳасида кузатилаётган сўнгги тадқиқотларни намойиш этган ҳолда машғулотларнинг хорижий ҳамкорлар иштирокида ҳам ўтказилиши яхши анъанага айланган. Масалан, ўтган йили тингловчиларга юқори сифатли «инлайн» хом ашёсидан самарали фойдаланиш усулларини таништиришда «Ивоклар Вивадент» компанияси раҳбари Сергей Мишен ҳамда «Шютц Дентал» —яна бир немис компанияси вакили, ташқи алоқалар бўлими эксперти Дэвид Омо-Аере ушбу соҳадаги сўнгги ютуқлардан бири—«нуанг» хом ашёси тақдиротини ўтказишди.


Жорий йилда ҳам уюшма раҳбариятининг сайёҳаракатлари



самараси ўларок, ўқув марказида ёшларга иккита янги йўналиш: металлкомполит ҳамда лазерли пайвандлаш бўйича курслар иш бошлади. Бу эса замон талабларидан келиб чиқмоқда. Ушбу лойиҳалар ўз навбатида стоматология соҳасида янги имкониятлар эшигини очди, деб умид билдирамиз.

МУЯССАР АБДУРАСУЛОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳридаги тиш техникалари уюшмаси қўшидаги доимий ўқув курсларида мутахассисликни мукаммал эгаллашга барча шарт-шароитлар яратилган.

Наталья Семёнова олган суратлар



Сўранг, жавоб берамиз

УМУМИЙ ИШ СТАЖИГА КЎШИЛАДИМИ?

Ҳозирда ўлим хорижий давлатда ишлаяпти. Мени бир савол жуда қизиқтиради. Яъни, унинг чет элда ишлаган вақти умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадими? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Ҳамида ЮСУПОВА, педагог, Мирзо Улугбек тумани.

Республикамиз фуқароси бирор хорижий давлатда ишлаган даврларида ижтимоий сугурта бадаллари тўлаган бўлса, агар ушбу давлатлараро битимларда ўзгача қоида, тартиблар назарда тутилмаган бўлса, умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим асосида) тарзда чет элда фаолият юритганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига қиритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элда ишлаган давр Ўзбекистон Республикасида ишлаганига тўғри кел-

ладиган стажнинг 1/3 хиссасидан ошмаган қисми, агар ушбу давлатлараро битимларда (шартномаларда кўзда тутилган) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлсагина, умумий иш стажига қўшилади.

БУНДАЙ ТАЪТИЛ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Оилавий шароитим туфайли иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил олмоқчи эдим. Бундай таътил қанча муддатга берилади ва ҳодимдан қандай ҳужжатлар талаб қилиниши мени қизиқтиради. Шу хусусда батафсил билмоқчи эдим.

Наргиза ХЎЖАЕВА, ишчи, Ҳамза тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 150-моддасига мувофиқ ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати эса ходим (ишчи-хизматчи) билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Яъни, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш сабаблари нимадан иборатлигидан келиб чиқиб, иш берувчи ходимга таътил бериши мумкин.

Ходим иш берувчига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиб, таътилга чиқиш санасини, сабабларини ва албатта, муддатини баён қилади. Иш берувчи ходимнинг келтирилган асосларини ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқариш заруриятини инобатга олиб, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил буйруқ билан расмийлаштирилади.



қатнашишлари кўзда тутилган. Боиси, ана шундай йўналишлар орқали тахсил олаётган ёшларнинг ўрганаётган касб-ларига қизиқишлари янада ортади, бундан ташқари, республика миқёсидаги ўтказиладиган танловларга улар тайёрлаб борилади, коллежлардаги ҳаётлари сермазмун, эсда қоларли ўтишини ҳам таъминлайди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

СУРАТЛАРДА: Тошкент Туризм касб-хунара коллежи ҳаётинда лавҳалар

03-03 ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Тилни кўнгил хазинасининг қулфи, сўзни унинг калити деб бил.

**Кўнгул ҳолати сўз дегаҳ билгурур—
Ки, махзада дур садафрезадур.**
Сўзингга қараб, кўнглингни билиш мумкин: бу хазинада дур борми ёки садаф синиги?

**Кўп дегувчи кўп егувчи—томуғ тўрига
ошиқиб кетгувчи.**

Кўп гапирувчи ва кўп ековчи киши жаҳаннам қаърига шошилаётган бадбахтга ўхшайди.

**Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.**

**Кишида барча ахлоқи ҳамида
Чу жамъ ўлди, кўярлар отин эхсон.**
Бири андин саҳодур, бири мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

Кишида барча яхши фазилатлар жам бўлган бўлса, уларни бир сўз билан эхсон дейдилар: унинг бири—саҳоват бўлса, бири—мурувват. Бу иккисидан бебаҳра инсон инсон эмас.

Кулар юз билан ато, саҳо устига саҳо.
Очиқ ҳечра билан саҳоват қилиш саҳоват устига саҳоватдир.

**Кўзни ўз айбиндан олма ва ўзгалар айбига
кўз солма.**

**Кафшисизликдин малул бўлмағил, аёғсизларга
боқиб, шукр қил.**

Ковушим йўқ, деб нолима, балки оёғи йўқларга боқиб шукр қил.

**Кўнгулунга хирад йўлини падидор айла,
Бу нақда жонингни харидор айла,**

**Хар ишда хирадин ўзунга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.**

Кўнгулунга ақл йўлини кўрсат, ақл давлатига жонингни харидор қил, хар ишда ақлни ўзингга ёр айлаб, ақл ёрдамида айбун гуноҳларингни тарқ эт.

**Кимни тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин, десанг, англайин, филолин англа,**

**Кирдорига боқиб, асл ҳолин англа,
Аслига далил анинг ҳисолин англа.**

Бировнинг кимлигини билай десанг, сўзига боқ, аслига қизиқсанг, юриш-туришини кузат. Хатти-ҳаракатини кўриб, унинг аслида кимлигини билиш мумкин, чунки кишининг феъл-атвори унинг қандай инсон эканлигига ёрқин далил.

**Кўп англа бирўлса журми носоҳ хануз,
Гар минг ўлса тоат, эрур оз хануз.**

Ёмон гуноҳнинг биттасини ҳам кўп, тоатнинг мингтасини ҳам оз деб бил.

**Ким ақл йўлида тутса маъва охир,
Тонг йўқ, эл ичида бўлса доно охир.**

**Кўнгулунг арит борча ямон хислатдин—
Ким, яхши қилиг далил эрур раҳматдин.**

**Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлук чу кўнгулни қатик айлар, оч ўл.**

Қалби гўзал кишилар суҳбатини изла, Тўқлик кўнгулни ўлдирди, шунинг учун оч бўл.

**Ким оз деди нукта, айшу ком ўлди анга,
Сўз қондасида интизом ўлди анга.**

**Ким олим эса, нуктада барҳақ де они,
Гар базм тузар, бихишти мутлақ де они,**

**Хар кимсаки, йўқ илм анга, аҳмақ де они,
Мажлисадаки, илм бўлса, учмақ де они.**

Ким олим эса, хар бир сўзини ҳақиқат деб бил, у ташкил этган даврларни ҳақиқий жаннатга қиёс қил. Кимнинг илми бўлмаса, уни аҳмақ ҳисобла, илмий анжуманларни жаннат боғига ўхшат.

**Ким садқа берур, агарчи Афридуңдур,
Гар миннат этар, бу феъл ила матъундур,**

**Миннат била улки садқа айлар дундур—
Ким, журми анинг савобин афзундур.**

Садақа қилган киши агар Афридуң (одилиги ва олижаноблиги билан машҳур Эрон шоҳи) бўлса ҳам, агар миннат қилса, бу қилиги билан таъна-маломаатга қолади. Садақасини миннат қиладиган киши пасткашдир. Миннат билан қилинган садақанинг гуноҳи савобидан кўпроқ бўлади.

**Ким бўлди киши ҳалоқи худбинлик аро.
Кишининг ҳалоқати худбинлигидандир.**

**Ким мусулмонлиг айласа даъво,
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.**

**Ул мусулмондуррки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар.**

Ким мусулмонлик даъво қилиб, бу йўлда жонини фидо қилса ҳам, у чин мусулмон эмас. Қўли ва тилидан мусулмонларга озор етмайди диган кишигина чин мусулмондир.

**Кимки, хар кимга ваъда килди,
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.**

**Кимки ислом кўзгусида тилар
Хар замон ўзга бир сафо мавжуд.**

**Кечсун ул навъ борча ишдинким,
Тенгри рози эрмас, улус хушуд.**

Кимки ислом кўзгуси билан қараганда ўзида хар замон поклик кўришни истаса, Ҳақ розию халқ хурсанд бўлмайдиган хар қандай ноҳақ ишларни тарқ этсин.

**Кимки мўминдурур, қачон чидағай—
Ким, ўзи тўку қўшни бўлғай айла.**

**Анга доғи керак етураса насиб,
Хонида агар қулочу хоҳи умоч.**

Мўмин киши қўшниси оч бўла туриб, ўзининг тўқ бўлишига қидолмайди: дастурхонда хоҳ ширин қулча, хоҳ умоч бўлсин, унга ҳам иллинади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Таълим масканларида

КЕЛАЖАКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ Ҳ.Ҳ.НИЁЗИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА КОЛЛЕЖИДА ФОРТЕПИАНО, ТОРЛИ ЧОЛГУЛАР, ПУФЛАМА ВА ЗАРБЛИ ЧОЛГУЛАР, БАЯН, АКАДЕМИК ХОНАНДАЛИК, ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ, АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛАК, МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ВА КОМПОЗИЦИЯ, ЭСТРАДА САНЪАТИ, МУСИҚИЙ ОВОЗ ОПЕРАТОРЛИГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА БОШЛАНҒИЧ МУСИҚА МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ЖЎРНАВОЗЛАР, КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛАРИ, ОВОЗ ОПЕРАТОРЛАРИ ВА БАДИИЙ-ҲАВАСКОРЛИК ЖАМОА РАҲБАРЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ.

Ташкил топганига 83 йил тўлаётган ўшбу ўқув масканини ўтган давр мобайнида 9000 га яқин мутахассис ботириб чиққан. Уларнинг орасида музика таълими ва ижрочилиги санъатига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган фан доктори, профессорлардан: А.Одилов, Т. Ўзғо, С. Закржевская, Т. Фодурбеков, Б. Курбонов, Ўзбекистон халқ артистларидан Комилжон Отаниёзов, Икром Акбаров, Ориф Қосимов, Қасимов Дадаев, Сайфи Жалил, Хайрулла Лутфуллаев, Фаррух Зокиров, Ўзбекистон халқ ҳофизларидан Орифхон Хотамов, Ҳасан Ражабий айнан шу даргоҳда тахсил олганлар.

Шунингдек, «Нихол» мукофотининг совриндорлари Дилноза Исмиёмова, Элеонора Котлибулатова ва Абдумалик Абдуқайумовлар ҳам коллежнинг собиқ ўқувчиларидан ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур масканда 700 нафар ёшлар таълим олмақдалар. Уларга 200 дан ортиқ ўқитувчилар санъат сирларини ўргатмоқда. Ўқитувчилар орасида фан доктори, профессор Р. Абдуллаев, фан номзоди, доцент Б. Матёкубов, Ўзбекистон халқ артисти Улмас Расулов, Ўзбекистон халқ ҳофиз Б. Дўстмуродов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Х. Исроилова, Н. Сатторов, К. Мирзаев каби бир қанча музика соҳасининг жонқуярлари, иқтидорли санъаткорлар бор.

Биргина 2003-2005 йилларда коллежнинг олти нафар ўқитувчиси «Урта махсус таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Коллеж ўқувчилари Қозоғистон, Россия, Украина, Руминия, Франция, Қирғизистон, Италия, Озарбойжон каби мамлакатларда ўтказилган халқаро танловлар, турли фестивалларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ўқув муассасаси ўқитувчиларидан бир гуруҳи Американинг Массачусетс штатидаги санъат институти ва Санкт-Петербург шаҳрида ўз билимларини бойитиб таҳриба алмашиб келдилар.

—Музика санъати инсониятга бир олам завқ-шавқ, ором бағишлаш билан бирга унинг маънавий дунёсини янада бойитиши,

энг гўзал, энг олий ҳис-туйғуларни инъом этади,— дейди Ҳ.Ҳ. Ниёзий номидаги Республика музика коллежи директори, фан номзоди Ботир Матёкубов.— Бу даргоҳда билим олаётган иқтидорли ёшларимиз келажакда дунё сахналарида Ўзбекистон шайни шарофлаб, унинг мадҳини қуйлаб, янги-янги куй ва қўшиқлар яратишига ишонамиз. Ниятимиз ҳам, истагимиз ҳам ягона— коллежimizда тахсил олаётган ёшларни хар томонлама доно, зукко, билимли қилиб тарбиялаш билан бирга, музика санъатининг бутун сир-асрорларини, сеҳру-самоватини ажиб бир нозиклик, гўзалликка, эзгуликка йўғрилган яхшилик билан уларнинг қалбларига жо қилмоқчимиз. Доноларимиз айтганидек, музика санъати инсониятга ҳақиқат ором, сокинлик ва яхши кайфият улашади...

Коллежни тугатган ёшларнинг эллик-олтмиш фоизи, хар йили Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинади. Бундай кўрсаткич коллежнинг юқори нуфузидан дарак беради. Бошланғич музика саводига эга бўлган ўқувчиларни қабул қилиш учун коллеж қошида мактабдан ташқари болалар музика мактаби ташкил қилинган. Унда 200 дан ортиқ кичик ёшдаги ўқувчилар музика сабоқларини ўрганмоқдалар. Улар орасида ҳам республика ҳамда халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётган ўқувчилар бор. Ўшбу мактаб коллежнинг

амалиёт базаси сифатида ҳам хизмат қилади. Ўқув даргоҳи қошида фаолият юритаётган кутубхонада 79364 минг дона умумий китоблар ўқувчилар билимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қисқароқ қилиб айтган бўлсак, замонавий усулда жиҳозланган 59 та синф хонаси Япониянинг ЯМА-ХА фирмаси томонидан яратилган турли хил чолғу асбоблари, овоз кучайтиргичлар билан таъминланган. 60 ўринли ошхона, 100 ва 180 ўринга мўлжалланган катта ва кичик концерт заллари ёшларнинг санъат сирларини мустаҳкам эгаллашлари учун хизмат қилмоқда. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, республикада ягона орган чолғуси ҳам айнан шу маскандагина мавжуд.

Умид қиламизки, ўшбу даргоҳда таълим олаётган ёшлар келажакда ватанимиз нуфузининг янада ошишига ўзларининг ҳиссаларини қўшади. Уларнинг жарангдор овозлари, сеҳрли қуйлари бутун дунё халқларининг меҳру-муҳаббатига сазовор бўлади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: Ҳ.Ҳ.НИЁЗИЙ номидаги республика музика коллежи ҳаётдан лавҳалар



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2007 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ХТЎТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси
1	PRIMER FOOD	хк	205915964	20.12.2005	001257-03	20470417
2	RAYHON KONSTRUKSIYA	хф	204655799	29.08.2003	1356	19203837
3	BASHA-SAYDO	хк	205177474	26.07.2004	000453-03	19745286
4	SAIDIY-SERVIS	хф	204809161	26.01.2004	000167-03	19321635
5	NEB-BATIR	хк	201685961	05.03.1996	129/2	16083519
6	BORZ-MOBIL	хф	204778044	07.01.2004	000133-03	19322580
7	DAVR-AL	шк	201228531	28.08.1995	414/13 (1270)	15807719
8	OO YO'L SERVIS	шк	205224219	17.09.2004	000526-03	19780590
9	GARAJ-TEKNIK XIZMAT KO'RSATISH	шк	205068981	20.05.2004	000348-03	19594172
10	DARAKCHI HISOBBLASH MARKAZI	ЕТАЖ	201053822	06.02.1995	48/5 (435)	05949111
11	GRANT	мфж	200812732	14.01.1993	6/9 (43)	14842406
12	GLORIA JEANS-TASHKENT	мфж	205264177	05.11.2004	000629-03	19816603
13	LIDER PETROL SERVIS	мфж	206163999	28.02.2006	001379-03	20662588
14	BLAGOVEST VOSTOK	мфж	206442722	20.04.2006	001468-03	20966414
15	LIFE-FORSE	мфж	205188611	05.08.2004	000470-03	19745915
16	BARK GURUH	мфж	201565485	19.01.1996	35/13	16009701
17	EBPOTEX-STANDART	мфж	200813192	10.10.1994	327/9	15333747
18	ABINTRANS	мфж	203895461	15.02.1992	166 (209)	18412401
19	SAHROTTRANS	мфж	203603254	01.02.2001	167	18029795
20	DEALEX TELEKOM	мфж	205788649	18.08.2005	001083-03	20348946
21	MIROBOD SAYOHAT SERVIS	мфж	200519430	23.01.1995	27 (450)	15468447
22	BEKLI-KONSERV	мфж	204864579	15.02.2005	000204-03	19393143
23	AVTOPRESTIITRANS	мфж	205791020	22.08.2005	001089-03	20349012
24	KAM-KOS-BIZNES	мфж	205808899	08.09.2005	001118-03	20389603
25	AURUM-SERVIS	мфж	205627927	20.04.2005	000910-03	20153929
26	KOMRON FAYZ	хитф	202702424	26.11.1998	743	17130014
27	SOF-TEX-IMKON	мфж	205511898	05.03.2005	000822-03	19999682
28	UNION PARTUZ	шк	204463397	26.08.2003	1323	18985605
29	KAROMATXON-ONA	хк	205286704	30.11.2004	000677-03	19853403
30	NO STYLE	мфж	204702605	23.10.2003	000027-03	19230599
31	SAHOVAT QURILISH BIZNES	мфж	205892694	06.12.2005	001240-03	20468159

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳар Нукус кўчаси, 18-уй Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

О.Э.Файзиев, Миробод тумани ДСИ бошлиғи.

**«Ўзбек Давлат цирки»
республика бирлашмаси**
**Тошкент Давлат цирки 2007 йил
10 февралдан бошлаб**
Хар ШАНБА ва
ЯКШАНБА кунлари
соат 12.00 ва 15.00 да

БАРЧА ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ
Японияда ўтказилган цирк санъати халқаро фестиваллари совриндорлари иштирокида, шунингдек йиртқич ҳайвонлар (йўлбарслар, айиқлар, маймунлар...) ва амазонка-йигитлар аттракционларини намойиш этади.

**ШОШИЛИНГ! ШОШИЛИНГ!
ВА ҲАММАНИ ТАКЛИФ ЭТИНГ!**

Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ хар хил усулда тўланиши мумкин.

Касса эрталабхи соат 9.00 дан ишлайди.

**Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**

Тадбиркор Аширов «Агро А» органик ўғити (гумус)ни чекланмаган миқдорда сотади.

Тел: 702-17-91

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 3 апрель кунин соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказилаётган очик аукцион савдоларига суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот марказига қарашли омборхонада сақланаётган БМВ-525 русумли автотранспорт, давлат рақами Н622601, 1990 йилда ишлаб чиқарилган. (2006 йил 21 октябрдаги ЖИБ51-519/2006-сонли ижро варақа ва 54/2 сонли ижро ҳужжат). Бошланғич баҳоси-10126760 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот марказига қарашли омборхонада сақланаётган Матиз русумли автотранспорт, давлат рақами 30Р01-76, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. (2006 йил 21 октябрдаги ЖИБ51-519/2006-сонли ижро варақа ва 54/2 сонли ижро ҳужжат). Бошланғич баҳоси-4007740 сўм. Ўшбу мулкларни суд ижрочилари бўлини маси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закатал пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асак» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел.138-69-94.

Мунажжим башорати

ҚУВОНЧЛИ ИШЛАРНИ БОШЛАНГ

28 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНА

Мунажжимларимиз бугун Куёшнинг Балиқ буржидаги ҳолати илмий фаолият билан, ўта синчковлик ва энг майда нарсаларнинг ҳам тағига етишга интилишнинг қувончи билан боғлиқ бўлишни таъкидлашган. Шунингдек, бугун кимёгарлик ва фармацевтика ишлари билан шуғулланиш омадли бўлади.

Бугун ўзингизга қувонч келтирадиган ишлар билангина банд бўлганингиз маъқул. Лекин хар қандай молиявий амалиётлардан ўзингизни тийишгиз керак. Уй қурилиши ёки уни таъмирлаш ишлари, қурбингиз етадиган қишлоқ ҳўжалик ишларига диққатингизни жамлашингиз фойдали бўлади.

Ой тақвимининг 11-куни қудратли қувватларнинг уйғо-ниш кунин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугун бошлаб қўйган ишингизни охирига етказмай ташлаб кетишингиз мумкин эмас. Хар қандай ишда эҳтиёткорлик ва кунт талаб қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари хар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар